

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ“ЎЗБЕКИСТОН – 2030”
СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуқлиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлики кафолатли таъминлаш мақсадида:

1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қуйидаги асосий ғоялар акс эттирилганлиги инобатга олинсин:

барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;

аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;

аҳоли учун қўлай экологик шароитларни яратиш;

халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;

мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида энг устувор вазифа этиб белгиланган ҳамда бу бўйича уларнинг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклансин;

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилиши давом этаётган, ўз аҳамиятини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш ва долзарб вазифалар бажарилиши таъминлансин.

3. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Арипов) зиммасига:

а) “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича тегишли йиллик дастурларни тайёрлаш ва ижросини мувофиқлаштириш;

б) “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги ислохотлар бўйича тадбирларнинг аҳоли томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар асосида сифатли амалга оширилиши, белгиланган кўрсаткичларга эришилишини назорат қилиб, натижаси юзасидан ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилишини таъминлаш;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСINI
2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қуйидаги устувор йўналишлар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;

барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

“хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

2. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши доирасида:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб: давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оксил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилсин;

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида, барча бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан таъминлансин, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилсин;

банкларнинг нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун миллий валютада ажратиладиган, қиймати 20 миллиард сўмгача бўлган кредитлар бўйича, фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин унинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан компенсация тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг касб-ҳунар эгаси бўлиш истагидаги 10-синф ўқувчилари учун тегишли ҳудудларда талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўргатиш курслари жорий этилсин.

Бунда, дастлабки босқичда ушбу тартиб зарур кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасига эга бўлган ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланган умумий ўрта таълим муассасаларида жорий этилсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар умумий ўрта таълим муассасалари учун “таянч мактаб” этиб белгилансин.

Бунда, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари “таянч мактаблар” томонидан янги таълим дастурлари, дарс ўтишининг илғор методикалари ва ўқувчи билимини баҳолашнинг замонавий усулларида ўргатилади.

3. Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб:

онкогематологик касалликларга чалинган болалар учун Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳамда Болалар миллий тиббиёт марказида гематопатик суяк кўмиги ўзақ хужайралари трансплантацияси амалиёти жорий этилади;

Давоми 2-бетда



ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

ЭРТАСИДАН КҮНГЛИ ТҮҶ ОДАМЛАР
ЁХУД ЎЗГАРАЁТГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Инсон қачон ҳаётдан рози бўлади? Албатта, биринчи галда соғлиғи яхши, маҳалла-қўй тинч, уйда электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув билан таъминланган бўлса, ишига бемалол бориб келса. Болалари замонавий, барча шароитларга эга боғчага, мактабга қатнаса. Мамлакатда адолат ҳукм сурса...

Давоми 3-бетда



БУЮҚ ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда туб ислохотлар, демократик янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эркин ва фаровон ҳаётни, буюк келажакни фақат ва фақат мустақиллик асосидагина қуриш мумкинлигини кўрсатди.

УЙҒОҚ ЖАМИЯТ —
ҚУДРАТЛИ КУЧ

Юксак сиёсий ирода туфайли Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекистонга очилди. Айниқса, минтақа давлатлари билан музлатилган муносабатларга илиқлик кирди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чикди.

Ўзбекистоннинг дунёга очилиши ва шаффоф, прагматик сиёсати минтақа ташқи сиёсатидаги векторларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича амалдаги сиёсатимизни дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Давоми 3-бетда



ХАЛҚАРО АНЖУМАНДАН КЕЙИН

ДУНЁ “НОЛЬ ОЧАРЧИЛИК”
МАҚСАДИГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШИ МУМКИН?

Ўтган ҳафтада уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга Самарқанд шаҳри дунё миқёсида катта қизиқиш ҳамда эътиборда бўлган ўта муҳим анжуманга мезбонлик қилди. Унда дунёнинг 32 давлатидан 620 нафардан зиёд хорижий меҳмон ҳамда 30 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилот вакиллари озик-овқат хавфсизлигига доир масалаларни муҳокама қилди. Ҳозир озик-овқат хавфсизлиги, уни барқарор етказиб бериш, очлик ва қашшоқликка қарши кураш масалалари ўта долзарб бўлиб борапти.

Президентимиз халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида қайд этганидек, “Кейинги пайтда коронавирус пандемияси, жаҳон сиёсати ва иқтисодий ҳаётдаги инқирозлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида занжирларнинг узилиши ва нархлар ошишига сабаб бўлди.

Бундан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар жабр кўрмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат тизимига инвестиция ҳажми камайиши вазиятни янада

оғирлаштирмоқда. Бу эса Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни хавф остида қолдиримоқда”.

Давлатимиз раҳбари бундай ҳавотирли фикрларни билдираётгани бежиз эмас. Маълумки, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган асосий йўналишлардан бири бу 2030 йилга бориб, “ноль очарчилик”ка эришишдир.

Давоми 4-бетда



ДАХЛДОРЛИК

“БИРЛАШСАК —
ВАТАНМИЗ!”

6-бетга қаранг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

в) **икки ой муддатда:**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг жойларда амалга оширилиши натижалари танқидий ўрганилишини;

аҳоли ўртасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш натижалари кенг муҳокама қилиниши, фуқароларнинг мазкур масала бўйича таклифлари тизимлаштирилган ҳолда таҳлил этилишини;

ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўқинлиқ қилаётган тизимли омилларни аниқлаш ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида уларнинг олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўрилишини таъминлаш вазифалари юқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

5. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва уни бажариш бўйича амалий чора-тадбирлар ижроси, тегишли мақсадли кўрсаткичларга эришилиши ва улар доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан назоратни қуйидаги тартибда амалга ошириш белгилансин:

а) Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини тизимли мониторинг қилиб, унинг натижаларини ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб боради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижросининг тегишли йилларда ҳудудлар кесимида амалга оширилиши бўйича ҳар чоракда назорат тадбирларини ўтказди;

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси амалга оширилишини Бош вазир ўринбосарлари ҳузурида танқидий кўриб чиқишни таъминлайди, ҳар чо-

рақда Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан Ҳукумат аъзоларига, шу жумладан, вазирларга нисбатан тегишли чоралар кўради ҳамда ҳар ярим йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Ўзбекистон — 2030” стратегияси амалга оширилиши юзасидан ҳисобот тақдим қилади.

6. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) бир ой муддатда:

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023-2024 йилларда ҳудудлар кесимида амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича Ҳукумат қарорлари қабул қилинишини;

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги йўналиш ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Бош вазир ўринбосарларига бириктирилган тармоқ ва соҳалар кесимида аниқ вазифалар белгиланишини таъминласин.

7. Адлия вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига қўйилишига амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси — халқ стратегияси” шiori остида белгиланган ислохотларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида “Тараққиёт стратегияси” маркази:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижросининг таъминланиш даражаси, унда белгиланган ислохотларнинг сифатли амалга оширилишини аҳоли томонидан ҳар бир мақсад ва ундаги кўрсаткичлар кесимида баҳолаш, улар юзасидан ўз фикрларини қолдириш ва ташаббуслар билдириш имкониятини яратувчи онлайн портални ишга туширсин;

ҳар ойда баҳолаш натижалари ва аҳолидан келиб тушадиган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, Республика комиссиясига тақдим этиб борсин;

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ж.Қўчқоров) билан биргаликда ҳар йили “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га мувофиқ амалга

оширилиши бўйича таҳлилни жамоатчилик билан биргаликда ўтказиш ва натижаларини эълон қилиб бориш тизimini йўлга қўйсин;

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилиши аяқларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка етказилишини;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСINI 2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА
ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

вирусли гепатитнинг “С” тури билан касалланган беморларни ҳамда гематопозтик суяк қўмиги ўзақ ҳужайралари трансплантацияси муолажасига муҳтож онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб оғир ҳаётий вазиятга тушган ёки тутиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида “ижтимоий хизмат иши”ни юритиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бунда, ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларга даволаш, дори воситалари билан таъминлаш, фарзандларини мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш, моддий ёрдам бериш каби ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарда тутилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб: Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассасаларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхатини амалиётга киритишни назарда тутувчи давлат тиббий сугуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади;

ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари “ваучер” тизими асосида босқичма-босқич ташкил этилади. Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларга товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан ҳарид қилиш имконияти яратилади ва уларнинг харажатлари Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

5. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариши учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб оғир ижтимоий аҳолга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

6. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича: 2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 1а-иловага мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 16-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналиши доирасида:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига микдори 10 миллион сўмдан юқори бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун, агар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқбузарликни инкор этса, молиявий санкцияларни фақатгина суд тартибиде қўллаш амалиёти йўлга қўйилсин;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб: қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳосилни сугурта-лашда сугурта муқофотининг 50 фоиз микдориде субсидия бериш тартиби жорий этилсин;

“Изланиш ва ривожланиш” (R&D) марказлари учун улар ташкил этилган кундан бошлаб 3 йил муддатга мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумма микдорининг 1 фоизини тўлаш, уларнинг ҳодимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз микдориде ҳисоблаш тартиби жорий этилсин; давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар томонидан ҳар йили амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қийматининг камида 5 фоизини облигациялар чиқариш орқали молиялаштириш тартиби жорий этилсин.

8. 2024 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғини тўлиқ қайтариб бериш тизими қуйидагилар ҳисобидан кенгайтирилсин:

хорижий туристларга — Ўзбекистон халқаро аэропортларида Ўзбекистон ҳудудиде сотиб олинган ва “Tax free” тизими бўйича расмийлаштирилган маҳсулотлар учун;

тур-операторларга — хорижий контрагентлар билан шартномалар доирасида кўрсатилган экспорт хизматлари учун.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари сифатида энергетика, коммунал ҳўжалик, транспорт, экология, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа устувор соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқишни белгилаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан келиб чиқувчи давлатнинг тўғридан-тўғри ва шартли мажбуриятларини мониторинг қилиш, бошқариш ва тартибга солиш тизimini амалиётга татбиқ этиш;

Давлат бюджетни лойиҳасини шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим

ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров):

а) икки ҳафта муддатда:

халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармаси фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг мажбуриятларини бошқариш ва тартибга солиш механизмларини белгилашга Ҳукумат қарори лойиҳаси;

б) 2024 йил 1 январга қадар Давлат бюджетни харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин.

10. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 2а-иловага мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 26-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши доирасида:

а) 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб: иқобий экологик экспертиза ҳулоасини олмаган объектларга нисбатан молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш механизми жорий этилсин;

экологик ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан зарарни қоплаш билан бир қаторда, зарар етказилган табиат объектини тиклаш ва унинг муайян муддат давомида муҳофаза қилинишини таъминлаш мажбурияти юқлансин;

б) сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

республиканинг узоқ муддатли сув баланси прогнозини юритиш, шу жумладан, уни ҳар йили янгилаш ва сув ресурсларини тежаш дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг, кейинчалик эса босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларининг қишлоқ ҳўжалиги

маҳсулотлари етиштирувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун кредитлар 10 фоиз ставкада (фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳисобига) ажратилиши таъминлансин;

в) атмосферага зарарли ташланмалар ҳажмини камайтириш мақсадида халқаро “карбон маркет” тизими доирасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан барпо этиладиган яшил майдонларни ташкил қилиш харажатларини қисман жалб қилинган грант маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, барпо этилган яшил майдонлар (яйловларни озукабот экинлар билан, қишлоқ ҳўжалиги ерларини дарахтлар билан қоплаш) бўйича компенсациялар иссиқхона газларини зарарсизлантириш даражасига мутаносиб равишда ажратилади.

12. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 3а-иловага мувофиқ;

2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 36-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида:

а) давлат хизматларини кўрсатишда аҳолига янада қўлайлиқни яратиш ва ортқча сансалорликларга барҳам бериш мақсадида:

2024 йил 1 январдан бошлаб аҳолига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда автомобилотранспорт воситасининг олди-сотди шартномалари ва бошқа нотариал тасдиқланган битимларни “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидан олиш амалиёти йўлга қўйилсин ва ариза берувчилардан мазкур ҳужжатларни талаб қилиш тақиқлансин;

2024 йил 1 мартдан бошлаб нотариал идорага келмасдан, шу жумладан, чет элдан туриб, мол-мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ битимларни (мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишдан ташқари) электрон рақамли имзодо қўлайлиқ, видеоқонференцалоқа орқали расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилсин;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилсин.

Бунда, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгилансин;

в) ташаббусли бюджет амалиёти ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилсин;

г) 2024 йил якунига қадар қонунда белгиланган асосларда тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларига санкция бериш масаласини алоҳида судьялар — тергов судьялари томонидан кўриб чиқиш тартиби жорий этилсин;

д) тадбиркорлик соҳасида жавобгарлиқни янада либераллаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

биринчи марта жиноят содир этган шахсни, агар у суд маслаҳатхонага киргунига қадар солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиш;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган ҳар бир жиноят иши бўйича тергов ҳамда суд жараёнида тегишли мансабдор шахс жиноят иши материалларини иш юритувиға қабул қилган вақтдан бошлаб тадбиркорни ҳимоя қилишга Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, тадбиркорлик субъекти аъзо ҳисобланган бошқа ташкилотни жамоат ҳимоячиси сифатида жалб этиши (хабар қилиш) тартиби жорий этилсин;

е) 2024 йил 1 январдан бошлаб аҳоли пунктларида барча янги қурилаётган икки ва ундан ортққ полосали автомобилни йўлларда пиёдалар ўтиш йўлақларини светофорлар билан тўлиқ жиҳозлаш мажбурий этиб белгилансин.

14. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича:

2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар 4а-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

ЭРТАСИДАН КҮНГЛИ ТЎҚ ОДАМЛАР

ЁХУД ЎЗГАРАЁТГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



Фарҳод ЭРМАНОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 2 миллионга яқин аҳоли яшайди. 452 та фуқаролар йиғинида кўп миллатли аҳоли оғани, опа-сингилдек тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.

Сўнги йилларда республика иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳолининг турмуш шароити кундан-кунга яхшиланяпти. Жўмладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуни бўйича Қорақалпоғистонда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 13,6 триллион, саноат ишлаб чиқариш 7,9 триллион, қурилиш ишлари ҳажми 2,8 триллион, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари еттиштириш 4,4 триллион ва хизмат кўрсатиш 5,8 триллион сўмга етди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 196 тани ташкил этиб, бу борадаги кўрсаткич 3 баробар кўпайди. Ҳудудий экспортёр корхоналар сони жорий йилда 240 тага етди. Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қўлаб хорижий давлатларга кириб борапти. Экспорт қилинган трикотаж, ип-калава, ош тузи, ипак, ун, қуритилган помидор, ишша идишлар, ярим тайёр мебель, ярим тайёр чарм, кир ювиш кукунчи сингари маҳсулотлар ташқи бозорда юқори баҳоланмоқда. Республиканинг иқтисодий ривожланишида “Uz-Kor Gas Chemical”, Қўнғирот сода заводи каби йирик экспортёр корхоналар етакчилик қилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 12,3 миллион доллар, маҳаллий бюджет тушуми 636,5 миллиард сўм ва аҳоли жон бошига даромад 3,2 миллион сўмни ташкил этмоқда. Жорий йилда 50 мингга яқин камбағал хонадоннинг даромади кўпаяди. Шунингдек, “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида 625 тадбиркорга 39 831 ишсиз фуқаро бериқтирилган.

Ёрдамга муҳтож оилалар давлатимиз томонидан ҳимояланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун

муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли турар жойлари хатловдан ўтказилди. 424 маҳаллада 21 803 та уй-жойни таъмирлаш учун 343,9 миллиард сўм ажратилмоқда. 21 094 та уй-жойнинг томини таъмирлаш ҳамда яшаш учун яросиз ва авария ҳолатига келиб қолган 709 та уй-жойни янгидан қуриш белгиланган. Оғир шароитда яшаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди.

Қорақалпоғистон Республикасида жами 12 381,5 километр автомобиль йўллари мавжуд. Уларнинг 4254 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 8127,5 километри ички ҳўжалик, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчаларидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янги йўл ва кўприклар қуриш, унинг инфратузилмасини халқаро андозалар даражасига етказиш борасида амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотларда яқол намоен бўлмоқда. Мамлакатимизда замонавий йўл ҳамда кўприклар қурилиши, аввало, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг вақтини тежаш, маҳаллаларимиз қиёфасини тубдан ўзгартиришдек эзгу мақсадларга хизмат қиляётгани билан аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбари “Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади” деган гапни кўп такрорляйди. Ушбу ижобий ғоядан кўзланган мақсад аҳолининг, қўйналаётган оилаларнинг розилигини олиш бўлиб, бу ташаббус асосида амалий ишлар давом эттириляди. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, ҳар бир ҳудудда бошланган ишларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши сектор раҳбарларининг назоратида бўлмоқда. Инсон қадрини улуғлаш борасида ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонда юз бераётган ўзгаришлар юртдошларимиз қалбига кириб бормоқда.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда боғчалар сони 317 тадан 1600 тага, уларга болаларни қамраб олиш 28 фойздан 81 фойзга етди. 172 та мактаб мукамил таъмирланиб, 104 та мактабда қўшимча биналар барпо этилгани ҳисобиға ўқувчилар учун 118 мингта янги ўрин яратилди.

Яқин келажакда республикада 160 та янги боғча қурилади ва таъмирланади, 2 мингта ҳусусий боғча ташкил этиляди. Келгуси етти йилда қўшимча 100 минг



янги ўқувчи ўрни яратилади. Бунда 30 та янги мактаб ва 150 та мактаб учун қўшимча бино қурилиб, 350 таси таъмирланади. Ихтисослашган мактаблар сони 2 қарра кўпайтирилиб, 32 тага етказилади. Натижада Қорақалпоғистондаги мактабларда 30-35 нафардан ортик бола ўқийдиган синфлар умуман бўлмайди.

Албатта, дунёға келган ҳар бир инсон яхши яшашиға ҳақли. Кундалик даромадидан орттириб, уйини яхшилашға имконияти бўлмаган инсонларни эътибордан



четда қолдирмасдан, муаммосини ечиш давлатимиз томонидан амалға ошириляётган ислохотларнинг бири десак, тўғри бўлади. Энг муҳими, бундай савобли ишлар одамларнинг ҳаётини яхшилашға хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларига мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари бириктирилиб, ҳудудда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ички инвестицияларни жалб қилган ҳолда саноат, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлиқни кенг ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Бугун мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида аҳолиға тоза ичимлик сув етказиб бериш қатор қийинчиликлар билан амалға ошириляётган бир пайтда Қорақалпоғистонда ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 71 фойзга, электр энергияси билан таъминлаш 100 фойзга, тармоқ орқали табиий газ билан таъминлаш 72,9 фойзга етди.

Оролбўйида ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича янгича тизим йўлга қўйилди. Мурожаатларға энг кўп сабаб бўляётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш ишлари жадаллашди. Бунда одамлар билан мулоқот, уларни қийнаётган муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериш мақсадида мутасаддилар томонидан жойларда ташкил қилинаётган сайёр қабуллар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида эришаётган ютуқларимиз ҳам мактагулик. Жўмладан, 86,8 минг гектар жойға пахта экиб, 240 минг тонна ҳосил олишини ният қилганмиз. 53 минг гектар ғаллазордан 138,5 минг тонна хирмон кўтарилди. 14 785 қути ипак қуртидан 858 тонна пилла йиғилди.

2023 йилнинг “Инсонға эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаб, таълимға эътиборни янада кучайтирди. Қорақалпоғистонда бугунги кунда олий ўқув юртлари сони 12 тага етди. Институт ва университетларға қабул квотаси эса 3,5 марта ошиб, қамров 19 фойздан 46 фойзга ўсди. Айни пайтда республикадаги олий ўқув юртларида 58 минг талаба таҳсил олмақда.

Ешларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча шароит яратилган. Стадионлар, спорт мажмуалари, бассейнлар, ҳатто ҳар бир маҳаллада спорт майдончалари мавжуд. Бугунги кунда спортчиларимиз футбол, баскетбол, волейбол каби жамоавий ўйинларда муносиб катнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шерзод Мамутов, Шахзода Ибрагимова, Ислам Абдасов, Дилноза Уснатдинова сингари спортчиларимиз эса жаҳон кубогини, Осиё чемпионатларида давлатимиз байроғини баланд кўтармоқда. Бизнинг фахримиз саналган Жалғасбай Бердимуратов спортнинг юнрон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида, Ўзбекистоннинг фахриға айланган қиличбоз қизимиз Зайнаб Дайиббекова жуда кўп мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритди. Хусусан, қиличбозлик бўйича Муса Аймуратов, Дилноза Уснатдинова, Дилназ Мурзатаева, Аязқо Жўмамуратова Осиё чемпиони бўлди. Бундан ташқари, Ақтенге Кеўнимжаева, Шахзода Ибрагимова, Рустам Жангабаев, Нарғиза Жўманиязова, Аселай Амангелдиева, Саҳиҳжамал Есбосинова, Эрназар Сарсенбаев каби спортчиларимиз билан ҳам фахрланамиз. Улар жаҳон чемпионатида 39 та, Осиё чемпионатида 91 та, Ўзбекистон чемпионатида 1235 та медалини қўлга киритди.

Айни пайтда маданият соҳасиға қаратилган эътибор ҳам бундан кам эмас. Жорий йилнинг шу кунига қадр маданият соҳасида мунтазам равишда маданий-маърифий ва кўнғилочар тадбирлар, театрларда спектакллар намойиш этилди. Бундан ташқари, “Шуша — Турк дунёсининг маданият пойтахти” деб эълон қилингани муносабати билан Озарбайжонда шу мамлакат маданият вазирлиги ҳамда Хайдар Алиев фонди ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро “Ҳарибулбул” фестивалида “Айқулаш” Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли ўз чиқишлари билан миллий санъатимизни еркин намойиш қилди. Шимолий

Македония Республикасида жорий йилда ўтказилган “Сараж Фест — 2023” халқаро фестивалида ҳам “Айқулаш” қорақалпоқ миллий рақслари билан иштирок этди.

Ўлкамиз тарихи, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи, қадимий маданий мерос объектлари билан ажралиб туради. Юқорида келтириб ўтилган хусусиятлар республиканинг туристик салоҳиятини янада оширади. Қорақалпоғистон Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан бугунги кунда ҳудуднинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Бу ерга ташриф буюрувчи туристлар учун хизмат даражасини ошириш ва қўлайликлар яратиш мақсадида шу кунгача кўп сонли жойлаштириш объектлари барпо этилди. Айни пайтда Қорақалпоғистонда 50 дан ортик туристик корхона, 31 меҳмонхона, 44 оилавий меҳмон уйи ва 22 хостел бор.

Нукус шаҳри, Чимбой, Эпикқалъа, Тўрткўл, Беруний ва Мўйноқ туманлари алоҳида сайёҳлик дестинациялари ҳисобланади. Бу ҳудудлар туристик салоҳияти ва ўзига хос томонлари билан туризм йўналишлари бўйича алоҳида ўринға эға. Масалан, Мўйноқ тумани бир қатор диққатга сазовор жойлари туфайли сўнгги йилларда туристлар орасида тобора машҳур бўлиб бормоқда. Ҳудудда экотуризм йўналишиға оид Орол денгизи, Ўстюрт платоси, Судочье қўли каби табиий объектлар мавжуд.

Қорақалпоғистонда 131 та археологик ёдгорлик, 24 та архитектура ёдгорликлари, 88 та монументал ва 45 та диққатга сазовор жойлар бор. Ҳудудни очик осмон остидаги музей деб атамас тўғри бўлади. Чунки республикаимизда моддий-маданий объектлар жуда кўп. Уларнинг тарихи 3-5 минг йил илгарига бориб тақалади. Қўйи Амударё давлат биосфера резервати 2021 йилдан бошлаб ЮНЕСКО жаҳон биосфера резерватлари тармоғиға киритилди. Бундан ташқари, Марказий Осиёда бебаҳо саналган Савицкий номидаги давлат санъат музейи ҳам айнан Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрида жойлашган.

Жорий йилда ҳудудға 700 мингдан ортик маҳаллий, 84 мингдан ортик хорижий сайёҳ ташриф буюриб, туристик хизматлар экспорти 18,9 миллион долларни ташкил этди.

Давлатимиз Мустақиллиги байрами арафасида ҳар бир овул, маҳалла, шаҳарча фуқаролар йиғинида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари бўлиб ўтди. Бу тадбирларда “Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажак учун пойдевор” шioriнинг моҳияти аҳолиға кенг тарғиб этилди. Янги Ўзбекистонда амалға ошириляётган кенг қамровли ишлар аҳолининг айна кундаги қайфиятға жуда муо. Зеро, кўнглини кенг қўйиб, атрофға разм солган киши борки, янгиланишларнинг, амалға оширилган мислсиз ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади ва бундан қалби фахрга тўлади.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

УЙҒОҚ ЖАМИЯТ — ҚУДРАТЛИ КУЧ



Актам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Сўнги йиллардаги ислохотлар, айниқса, тадбиркорлик ривожига қаратилётган эътибор ҳам ҳаётимизнинг барча жаҳалларида янгиланиш ва туб ўзгаришларға замин ҳозирляди. Тадбиркорлар ўз бизнеси ривожини учун эркинлик ва янги-янги имкониятларға эға бўлмоқда.

Натижада одамларимиз орасида тадбиркорликка қизиқиш ортди. Барча тармоқларда тадбиркорлик муҳити шаклланиб, кичик ва ўрта бизнес жадал ривожланди. Айни чоғда мамлакатимиз

да ҳар йили яратилётган иш ўринларининг 90 фойзи ҳусусий сектор ҳиссасиға тўғри келляпти. Ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ешлар меҳнат қиляётгани ҳусусий бизнеснинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ошиб бораётганини яқол кўрсатади.

Сўнги йиллар жаҳонға янги Ўзбекистонни қашф қилган давр бўлди, десак айни ҳақиқат. Кейинги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 қарра кўпайди. Саноатдаги ўсиш 40 фойздан ошиб, қисқа муддатда камбағаллик 2 баробардан зиёд қисқарди.

Бугун Ўзбекистон халқаро ташкилотлар доирасида мунтазам равишда муҳим ташаббуслар ва сиёсий тақдирларни илгари сурмоқда. Амалға ошириляётган улғувор ишларни нафақат халқимиз қўлаб-қувватламоқда, балки дунё ҳамжамияти ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Бун натижаларнинг ҳаммасиға, энг аввало, истиқлол, оқилона сиёсат туфайли эришмоқдамиз. Зотан, мустақиллик бизға “Инсон қадрини учун”, “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун” деган устувор ғояларни тўла рўёбға чиқариш, ҳар бир одамнинг истеъдод ва қобилиятини намоен этиши учун беқиёс имкониятлар беради.

Шу онда ҳаётимизда бўляётган ўзгаришлар бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Чунки 32 йиллик тараққиёт йўли ҳар соҳада юксалиш йиллари бўлди. Халқимиз ўз иқтисодини намоен қилиши, қобилиятиға яраша ишлаши, оруз-истаклариға эрилиши, мурод-мақсадиға етиши учун барча шароит яратиб берилди. Айниқса, инсонға эътибор ҳам, муносабат ҳам бутунлай ўзгарди. Одамлар чинакамига қадр топа бошлади, ўзгаришлар, янгиланишларни кундалик ҳаётида ҳис этди, сезди.

Президентимизнинг байрам нутқида илгари сурилган фикрлар кенг жамоатчилик — маҳаллий ва хорижий экспертлар эътирофиға сазовор бўлди. Бир қарашда у байрамона кутловға ўхшайди. Юзакки ёндашувчилар шундай уйлаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо масала моҳиятиға чуқуროқ назар солган киши тантаналар минбада тилға олпинган мулохазаларда аслида “Вақтни — имкониятға, имкониятни — ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдевориға айлантира олган халқ — буюк халқдир”, деган қутлуғ даъват халқлари ўзаро чамбарчас боғланганини сезиши қийин эмас.

Бун барбарин, эзгу оруз-истаклар билан умргузаронлик қиляётган мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонға чиқмоқда. Табрикнинг бошидан охиригача шу руҳ сақланиб қолгани янада муҳим аҳамият касб этди.

Нутқда экологик муаммолар ва сув танқислиги масалалари ҳам четлаб ўтилмади. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини



олиши ва ер ресурсларида оқилона фойдаланиш масаласи тургани юракларға етиб борадиган самимият билан очиб берилди.

Мувозанатни сақлаш учун сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётға тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятға эға экани аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилди. Инсоният охири беш-олти йил мобайнида сўнгги юз йил давомида ўз бошидан ўтказиши мумкин бўлган барча синовлар билан юзма-юз келгани таъкидланди.

Бундай офатлар оқибатида манаман деган дарахтларнинг ҳам барглари узилиши, шохлари синиши, қуртаклари тўкилиши, ҳатто мевалари нобуд бўлиши мумкин. Лекин илдиизи мустаҳкам ва чуқур бўлган дарахт йиқилмайди. Аксинча, ерга ўша то-

мирлари билан янада маҳкам боғланади. Қайта қуртак ёзади, мевалар тугаверади. Бу ҳаёт қонуни.

Байрам маросимида “Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” тарзида жаранлаган шior тиллардан дилларға кўчиб акс садо бераётгани ҳам ҳақ сўз таъсирининг далолатидир.

Давлатимиз раҳбари нутқини ўттиз икки йил аввал туғилган гўдак бугун мустақил фикри ва мақсадларига эға шахс сифатида вояға етгани сингари, Ўзбекистон ҳам улкан тажриба орттириб, аниқ йўли ва позициясига эға катта давлат сифатида шаклланигани таъкидлашдан бошлагани бежиз эмас. Бу, шубҳасиз, бугун халқимизнинг тарихий ютуғи экани инкор этиб бўлмас ҳақиқатға айланган.

Ватанимиз ўз суверенитетига осонлик билан эришгани йўқ. Шунинг учун ҳам юрийтиляётган сиёсат юрт ооздлиги йўлида курашган, ноҳақ айбаниб, бу дунёдан армон билан кетган ватандошларимизнинг пок номларини тиклашни назарда тутди. Сўнгги ўз йилда уларнинг 856 нафари Олий суд томонидан оқлангани эса шундай оқилона сиёсат самарасидир.

Яна бир ҳаётий мисол. Бир пайтлар ўзбек деганда, фақат эртаю кеч пахта далаида меҳнат қиладиган заҳматқаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Пахта сиёсати туфайли халқимиз қанчадан-қанча оғир қунарни бошидан кечириди. Оролни қуритган, экологиймизни инқирозға олиб келган, иқтисодиётимизни, таълим соҳасини издан чиқарган ҳам шу тизим бўлиди.

Кейинги йиллардаги сўнги ирода туфайли бугун пахтачиликка бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонаға қайтди, тадбиркорлар пахта ўлпонидан оозд бўлди. Ассосийи, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро қора рўйхатлардан чиқарилди.

Бугун мамлакатимизда кеаётган ислохотлар натижасида, айниқса, инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги саяй-ҳаракатлар сабабли “Янги Ўзбекистон орузи” реал ҳақиқатға айланмоқда. Бун халқаро майдонда Ватанимизға нисбатан ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бораётгани яқол тасдиқлаб турибди.

Янги Ўзбекистонда изчиллик билан кеаётган шиддатли ислохотлар натижасида “Инсон қадрини учун” тамойили жамиятда ўз ифодасини топиб, юртимизда истиқомат қиляётган ҳар бир фуқаронинг ҳаётий манфаатлари, оруз-умидлари рўёбға чиқиб, чинакам яшаш зақвини туймоқда. Шунинг учун бугунги Ўзбекистон — кеағи Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кеағи халқ эмас, деб айтишға асосларимиз бор.



ICFS
SAMARKAND 2023

дунё “НОЛЬ ОЧАРЧИЛИК”

МАҚСАДИГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШИ МУМКИН?



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2022 йилда 2,4 миллиард одам ёки дунё аҳолисининг 29,6 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларидан барқарор фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. Уларнинг фикрича, агар бу жараён давом этса, 2030 йилгача сайёрада очарчиликка барҳам бериш мақсадига эришиб бўлмайди. БМТ салбий ривожланишга коронавирус пандемияси, даврий табиий офатлар, шунингдек, қуролли можароларни сабаб деб ҳисоблайди.

БМТнинг яқинда эълон қилинган ҳисоботида қайд этилишича, 2030 йилга бориб, дунёда 575 миллион киши ўта қашшоқлик билан курашишда давом этади ва 84 миллион бола мактабга боровмайди. Ушбу муддатга қадар белгиланган 140 та мақсаднинг атиги 15 фоизига эришиш мумкин.

“Агар биз ҳозир ҳаракат қилмасак, бизнинг 2030 йилги кун тартибимиз дунё учун қабртоши бўлиб қолади. Бу жараёнда муваффақиятга эриша олмаслик тенгсизликнинг чуқурлашиши ва дунёнинг бўлиниш хавфи ортишига олиб келиши мумкин”, дея огоҳлантирди БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ҳисоботнинг сўзбошида.

БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида нутқ сузлаган Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг қайд этилишича, моддий ва технологик имкониятлар энг юқори даражага етган XXI асрда дунё аҳолисининг бешдан бир қисми ҳамон очлик ва қашшоқликдан азият чекаётганини қабул қилиб бўлмайди.

“Сўнгги ўзгаришлар тўғрисида дунё 2030 йилга бориб, очлик даражасини нолга тушириши керак бўлган барқарор ривожланиш мақсадларидан узоқлаша бошлади”, дейди Эрдоган.

Авалги шарҳимизда зикр этганимиздек, Президентимиз мазкур анжумани ўтказиш тақлифини бундан қарийб бир йил олдин Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида илгари сурган эди. Бу таклиф БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан қўллаб-қувватланди ва ушбу муассасанинг кўмаги асосида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари 7 сентябрь кун Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюйни қабул қилди. Урашувда Президентимиз юқори даражали меҳмонни БМТнинг етакчи тармоқ тузилмаси раҳбари этиб қайта сайлангани билан кўплатди ҳамда Самарқанд шаҳрида ўтаётган конференцияни қўллаб-қувватлагани ва унинг ишида шахсан иштирок этаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Анжуман очилиш маросимида сўзга чиққан ФАО бош директори Цюй Дунъюй иштирокчиларни кўптар экан, ушбу нуфузли тадбирнинг мамлакатимизда ўтиши бежиз эмаслигига алоҳида эътибор қаратди.

— Мен Ўзбекистон бу минтақадаги энг яхши ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етштирилаётган жой эканига ишонч ҳосил қилганман, — деди юқори мартабали меҳмон. — Ўзбекистондаги бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Қолаверса, бу кўнча замин қадимий тамаддуллар бешиги бўлганини ёдга олиб, бугунги саъй-ҳаракатлар, ривожланиш жараёни тўғрисида, албатта, яна

ўша даражага чиқишига қатъий ишонч билдирди. Айни босқичда қишлоқ хўжалигини замонавий талаблар даражасида тараққий эттириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш муҳим аҳамият касб этиши ва бу борада серқўш Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги ўрни жуда муҳимлигини таъкидлади.

Мазкур анжуманда қароргоҳи Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида жойлашган, 57 давлатни қамраб олган Испом ҳамкорлик ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этди. Унинг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича бош қотиби Ерлан Байдаулетнинг айтишича, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича бундай катта тадбир шу пайтгача МДХ республикаларида ўтказилмаган.

“Бир пайтлар биз ҳам шундай тадбирни хоҳлаганимиз, лекин етарлича қўллов бўлмагани учун ўтказиш олмаганимиз. Бундай тадбирлар ҳар йили ўтказилиши керак...”

Сир эмас, собиқ иттифоқ давридан буён Марказий Осиё республикалари ҳамашу етиштирган ва улар, асосан, марказга (Россияга) юборилган. Бу иш ҳозир ҳам давом этиб келяпти.

Энди ҳар бир республика, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзига янги бозор топиш учун ҳаракат қиляпти. Маҳсулотларни дунёнинг барча ҳудудларига етказиб бериш йўллари қидириляпти. Ана шундай шартларда бундай тадбирларнинг аҳамияти жуда катта”, деди у ОАВга берган интервьюсида.

ҚАРИЙБ 1,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК КЕЛИШУВЛАР, САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Халқаро анжуманда сўзга чиққан, ОАВ вакиллари билан мулоқотда ўз фикрини билдирган давлат ташкилотлари раҳбарлари, нуфузли халқаро муассасаларнинг мутахассис, экспертлари муҳокама этилган масалаларнинг долзарблигини таъкидлар экан, тадбирнинг жуда юқори аҳамиятга эгаллигига алоҳида ургу берди.

— Мунозара ва музокаралардан кўзланган асосий мақсад давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, очликни бартараф этиш йўналишида олиб борилаётган ишлар билан танишиш, тажриба алмашиш ва асосий масалаларга ечим топишдан иборат бўлди, — дейди қишлоқ хўжалиги вазир Азиз Воитов. — Бундан ташқари, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО билан биргаликда, уларнинг стратегиясидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш масаласи кўрилди. Маҳсулотлар етиштирилаётгани ва уларнинг истеъмолчини олдиндан аниқлаб билиш, прогноз ва таҳлил қилиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўришга ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро анжуман иштирокчиларига йўллаган мурожаатида эътироф этилганидек, Ўзбекистон заминининг қадимий ва бой деҳқончилик анъаналари, гоят хилма-хил, мазали ва ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан азалдан шуҳрат қозониб келади.



Агротармоқ иқтисодиётимиздаги етакчи секторлардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизи ушбу соҳада банд. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада самарали ва ресурс тежайидиш соҳага айлантириш, қишлоқда аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш, халқимизни арзон ва барқарор нархларда хавфсиз ва витаминларга бой озиқ-овқат



маҳсулотлари билан таъминлаш, сифатли оқватланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. — Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги 2 йилда жами 193 минг гектар, шу жумладан, 2022 йилда 100 минг, 2023 йилда 93 минг гектар ер майдони 643 минг аҳолига ажратилди, — дейди иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев. — Натижада 2,5 миллион аҳоли бандлиги таъминланиб, даромад манбаи яратилди. Бунда ижтимоий дафтарларга киритилган 120 минг ҳамда 45 мингдан ортиқ меҳнат мигрантларига ер ажратилиб, иш ва даромад манбаига эга бўлишига кўмак берилди. Ажратилган майдоннинг 58 минг гектарига сабзавот, 27 минг гектарига полиз, 22 минг гектарига картошка, 26 минг гектарига дуккакли, 6 минг гектарига мойли, 20 минг гектарига додли ва бошқа экинлар экилди.

Ушбу майдонлар ва 108 минг гектарда парваришланаётган тақрорий экинлар ҳисобига 2023 йил якунига қадар 5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Тақрорий экин сифатида 36 минг гектар сабзавот, 16 минг гектар картошка, 11 минг гектар полиз, 7 минг гектар мойли, 33 минг гектар дуккакли ва 5 минг гектар бошқа экинлар экилди.

2022 йилда чорвачилик соҳасига 478 миллиард сўм (2021 йилга нисбатан 8 баробар кўп), сув тежовчи технологияларнинг жорий этиш учун 1,5 триллион сўм (2019 йилга нисбатан 9 баробар кўп), маҳаллий ва импорт қилинган техника учун 117 миллиард сўм (2020 йилга нисбатан 10 баробар кўп) субсидия ажратилди.

бўлсак, бу даврда озиқ-овқат ва ун маҳсулотлари экспорти 21 баробар ошганини қўриш мумкин. Шунингдек, сўнгги 6 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти қарийб икки баробар ёки 577 миллион долларга кўпайган. Шу билан бирга, ўзбек мева-сабзавотлари истиқболли савдо бозорларига киришининг интенсивлиги ошди, хусусан, 54 турдаги маҳсулот учун 50 дан ортиқ янги бозорлар очилди, бунинг ҳисобига валюта тушуми 133 миллион долларга кўпайди.

Ушбу рақамлар сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида

сони 110 мингтадан 150 мингтага кўпаяди. Қайта ишлаш қувватлари мева-сабзавотда 3 миллион тоннадан 3,5 миллион тоннага, гўшда 427 минг тоннадан 650 минг тоннага, сутда 2,4 миллион тоннадан 2,9 миллион тоннага ортади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 8 фоиздан 25 фоизга етказилади. Умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улуши 31 фоиз (494 миллион доллар)дан 40 фоиз (1 миллиард доллар)га ўсади.

Анжумандаги муҳокамалар чоғида қайд этилганидек, айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда глобал логистикани йўлга қўйиш, маҳсулотларни тўсиқсиз етказуви “яшил йўллар” барпо этиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, додли ўсимликлар, мева-сабзавотларнинг ҳосилдорлигини, турли табиий ташқи



2017–2022 йиллардаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу даврда озиқ-овқат ва ун маҳсулотлари экспорти 21 баробар ошганини қўриш мумкин. Шунингдек, сўнгги 6 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти қарийб икки баробар ёки 577 миллион долларга кўпайган. Шу билан бирга, ўзбек мева-сабзавотлари истиқболли савдо бозорларига киришининг интенсивлиги ошди, хусусан, 54 турдаги маҳсулот учун 50 дан ортиқ янги бозорлар очилди, бунинг ҳисобига валюта тушуми 133 миллион долларга кўпайди.

таъсир, офат ва касалликларга чидамлилигини ошириш каби масалалар гоят долзарб бўлиб турибди. Уларга ечим топиш учун нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки давлатларнинг бошқа идоралари ҳамкорлигини ҳам йўлга қўйиш тақозо этилмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг ташаббусларидан яна бири Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг шу йўналишдаги умумий ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган. Кооперация тизимини ривожлантириш асосида биргаликда маҳсулот етиштириш, товар айирбошлаш каби масалалар минтақамизда ўз ечимини топиб борапти.

Анжуман доирасида ўнга яқин техник сессиялар ташкил этилди. Уларда ер ресурслари, аграр соҳани рақамлаштириш, инновациялар ва агрологистика масалалари муҳокама этилиб, денгизга чиқиш йўли бўлмаган мамлакатлар тажрибасига алоҳида ургу берилди. Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича консултиватив гуруҳ билан биргаликда илм-фан ва таълим доиралари учун дарах сўхати ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

“Марказий Осиё ва Кавказда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва инновациялар” мавзусида илмий анжуман, Ўзбекистон агроозиқ-овқат инвестиция форуми ҳам ўтказилди. Ташкил этилган кўрғазмада юртимизнинг агроозиқ-овқат соҳасида эришган ютуқлари кенг намойиш қилинди. Унда уруғчилик, боғдорчилик, чорвачилик соҳалари, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг бутун цикли (класстерлар ва кооперация, қайта ишлаш, агрологистика), иссиқхона хўжаликлари,

илмий изланишлар билан бевосита танишиш имконияти яратилди. Ана шундай тадбирлар доирасида қиймати қарийб 1,9 миллиард долларлик келишувлар имзоланди.

Ўзаро муҳокамалар, таклиф-мулоҳаза ва билдирилган тавсиялар жамлаиб, конференция якунида Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Унда иштирокчи мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигини экологик жиҳатдан энг хавфсиз, биохилма-хилликни қўллаб-қувватлайдиган усулда, сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда ривожлантириш, аҳоли, айниқса, болалар ва ўсимларнинг сифатли оқватланишига кўмаклашиш, мактабда оқватланиш комплекс дастурларини жорий қилиш, аёлларнинг агроозиқ-овқат тизимлари трансформациясидаги улушни ошириш учун қишлоқ жойлардаги аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, давлат миқёсида кичик ва оилавий хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш, табиий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш мақсадлари ўз ифодасини топган.

— Бугунги кунда дунё аҳолисининг глобал миқёсда жадал ўсиши кузатиляпти, — дейди Исроил қишлоқ хўжалиги вазир Ави Дихтер. — Тахминларга кўра, 2050 йилга бориб, инсоният нуфуси 10 миллиардлик довонни забот этиши кутилмоқда. Иқлим иқтироси хавфи ҳам қучайиб борапти. Бинобарин, айни пайтда глобал ҳамкорлик жуда муҳим. Яъни ёрқин келажақни таъминлаш учун умумий ва алоҳида халқлар ўртасида конструктив фикр алмашишни йўлга қўйиш зарур. Бу жараёнда, айниқса, инновацион ечимлар кўпроқ фойда беради.

Исроилда йиллар давомида соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш учун олим ва фермерлар ўртасида илмий ҳамкорликка асосланган стандартни яратди. Натижада қишлоқ хўжалиги саноатга айланди. Масалан, деярли ярим еримиз қўшдан иборатлиги сабабли бизга, айниқса, сув масаласида инновация жуда зарур эди. Айни жараёнда суveni қайта ишлаш иншоотлари қурилди, сўғириси ва ирригация тизими бутунлай янгиланди. Эндиликда қўшни давлатларга ҳам тоза сув етказиб берялмиш. Бу тажрибани бошқаларга ҳам улаштиришимиз мумкин.

Қисқаси, “ноу-хау”ларни биргаликда дунё қишлоқ хўжалиги амалиётига киритмоқчимиз. Озиқ-овқат хавфсизлигига ҳисса қўшмоқчимиз. Келинг, бирлашайлик ва сайёраимизни сақлаб қолишга ҳисса қўшайлик. Самарқанд декларацияси бу йўлдаги биринчи қадам бўлиши тайин.

— Конференция долзарб мавзуга бағишлангани билан алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Хисрав Нозирий. — Чунки бугун озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи глобал миқёсда тобора кенгайиб бормоқда. Камбағалликнинг ошиши, аҳолининг ўсиши, очарчилик, нотўғри сиёсат ва иқлим ўзгаришлари бунга асосий сабаб бўляпти.

2020-2030 йилларга мулжалланган дастуриимиз бўйича соҳани барқарор ривожланиш мақсадларига мос равишда тараққий эттириш олдимиздаги муҳим вазифа. 121 мамлакат иштирок этган ушбу рейтингда Ўзбекистон ўтган йилги ўрнида қолиб, энг яхши деб топилган 49 мамлакат ичида 5,6 балл билан 21-поғонани эгаллади. 2019 йилда 10,7 балл билан 48-ўринда, 2020 йилги рейтингда эса энг яхши деб топилган 47 мамлакат қаторида 6,7 балл билан 30-ўринни қайд этган. Бу таққослар кейинги икки йилда мамлакатимизда очлик даражаси сезиларли даражада камайганини кўрсатади.

МДХ давлатлари орасида Беларусь кучли бешликдан жой олган бўлса, Қозғистон — 24, Россия — 28, Арманистон — 32, Озарбайжон — 36, Украина — 36, Қирғизистон — 40, Тожикистон — 67-ўринни банд этган.

ЎҚИШ, КАСБ-ҲУНАРЛИ БЎЛИШ ВА ИШЛАШ

НОГИРОНЛИГИ БОРЛАР УЧУН

ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИМИ?

Шамшод ЭРГАШЕВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги котибияти бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Бугун мамлакатимизда эшитиш ва гапиришида нуқсони борлар сони 27 мингдан ошган. Шундан 7 мингдан ортиғини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бу эса ушбу қатламни давлат томонидан кафолатланган таълим, иш жойи билан таъминлаш ҳамда пенсия тизими чора-тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бу борада ижтимоий дастурларни молия-лаштириш харажати ЯИМга нисбатан 2 баробар ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кенгайди. Ногиронлиги бор шахслар ва болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Ҳали қилинмиши керак бўлган ишлар кўп. Узоққа бормайлик, оддий йўлда ҳаракатланиш учун ҳам имконияти чекланганларга қулайлик етарли эмас. Қолаверса, йўл кўрсатувчилар, суҳандонлар ва профессионал сурдотаржимонлар хизматини тақдим этиш масаласи тўлиқ ўз ечимини топагани йўқ. Бундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, қорхонада 20 дан ортиқ ходим ишласа, уша қорхона 3 физил қвота асосида ногиронлиги бор шахсларни ишга олиши белгиланган бўлса-да, бу тизим тўлиқ назорат қилинмаётир.

Президентимизнинг шу йил 6 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хўма тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий хўма миллий агентлиги ташкил этилди. Фармон доирасидаги кенг қўламли ишлар имконияти чекланган қатламнинг ижтимоий хўма, яшаш ва нафақа олиш каби ҳаётий заруратини яхшилашга хизмат қилади. Лекин барибир уларнинг таълим-тарбияси масаласи долзарблигини йўқотмайди. Ҳўш, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бу борада қандай муаммоларни ўртага ташлайди ва қандай ечимларни тақлиф этмоқда? Келинг, шуни таҳлил қиламиз.

5 ОТМда 80 нафарга яқин талаба

Давлат хизматларидан эшитиш ва нутқида нуқсони бўлганларнинг эркин фойдаланаётгани ижобий ҳолат. Яъни улар учун сурдотаржима хизмати кўрсатилаётганда. Сурдотаржимон ўқитувчиларнинг ойлик маоши кам эди. Уларнинг маоши таълим муассасалари ўқитувчилари ойлиги билан тенглаштирилди. Ҳўсўсан, бу йилги тест синовида биринчи марта сурдотаржимон хизмати жорий қилинди.

Аммо бу борада кадрлар етишмовчилиги ҳали-ҳанўз мавжуд. Кадрлар тақчиллиги таълимнинг қўйи бўғинида ҳам бўй кўрсатади. Мисол учун, юртимиздаги кар ва заиф эшитувчи болаларнинг 18 та махўс мактаб-интернатда 4 минг 700 га яқин ўқувчи таълим олади. Ана шу мактабларда карларнинг имо-ишора тилини мукаммал биладиган сурдопедагоглар жуда оз. Бу эса кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларга барча фанларни ўлаштиришда қийинчилик туғдиради. Шўнинг учун махўс мактаблар сурдопедагоглари малакасини ошириш учун ўқув курслари ташкил этиш масаласи кўн тартибиде турибди. Ўзбекистон Карлар жамиятида ҳам малакали сурдотаржимонлар бармоқ билан саналади. Бор-йўғи бир нафар олий маълумотли таржимон фаолият юратади.

Ушбу йўналишларда олий таълимга қабул қамровини ошириш энг тўғри чоралардан бири, бизнингча. Шўндан келиб чиқиб, мамлакат бўйича 5 ОТМда бакалаврият босқичида сурдотаржимонлиқ йўналиши очилди. Мазкур йўналишига 117 нафар абитуриент имо-ишора тилидан ижодий имтиҳон топиширган ҳолда тезда кирди.

Янги ўқув йилидан Тошкент, Чирчик, Қўқон ва Жиззах шаҳарларидаги ОТМларда махўс педагогика (сурдотаржимонлик) бакалаврият таълим йўналиши бўйича имо-ишора тилини мукаммал биладиган (ота-онаси ёки яқин қариндошлари кар бўлган) таржимонлар йигилиб, улар учун ўқиш бошланди. 77 нафар талаба 4 йил мобайнида шу йўналишда ОТМларда ўқиб, олий маълумотли сурдотаржимонлик дипломини олади.

Шўнингдек, ахборот технологиялари, педагогика, жисмоний маданият, сурдопедагогика, математика мутахассисликлари бўйича 10 дан ортиқ гапириш ва эшитишда нуқсони бор шахслар магистратурага қабул қилинди. Келгусида бу ёшлар ўз йўналиши бўйича илмий изланиш олиб боришга қаттиқ бел боғлаган.



Тил сертификати талаби бекор қилинди

Эътибор берсангиз, имконияти чекланганларда соғлом кишиларга қараганда ҳаётга, илм ва ҳўнар ўрганишга, яшашга иштиёқ кўчи бўлади. Соҳада уларга таълим берувчи ёки давлат хизматлари кўрсатишда ёрдам берувчи олий маълумотли педагог-мутахассислар етишмовчилиги борлиги ҳамда бўнга ечим сифатида қабул квоталари қамровига эътибор берилаётганини айтдик. Аммо яна бир масала бор. Бу — олий таълимга келаётган имконияти чекланганлар учун шароитнинг қай даражада экани. Улар имтиҳон топиширдан то диплом олгўнча бўлган даврда ўзини қанчалик қўлай ҳис эта олади? Бошқалардан ажралиб қолмай-дими? Ўқув учун зарур майбалар етарлими?

Албатта, бу борада ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Ҳўсўсан, имтиҳон жараёни — оралиқ ва якуний назорат ишлари ҳамда якуний давлат имтиҳонини топишириш, танишув, ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган талабаларнинг имкониятига мослаштирилган ҳолда ташкил этилди. Масалан, имтиҳонлар озаки бўлган ҳолда ушбу тоифадаги талабалар ёзма синовдан ўтказилди. Амалиёт учун қўлай ташкилотларга боришига имкон берилди. Олий таълимдан кейинги таълим йўналишига қабул жараёни ҳам енгиллаштирилди. Жўмладан, ногиронлиги бор шахслардан тил билиш даражаси сертификати талаби бекор қилинди. Имконияти чекланганлар учун қўшимча квота ажратилиши



натижасида 11 минг 301 талаба (ҳўсўсан, 210 нафарининг эшитиш ва нутқида нуқсони бор) олий таълим муассасаларида таълим олмақда.

2023/2024 ўқув йилидан қабул жараёнида тест синови тўғрисида абитуриентларга маълумот бериш учун тайёрланган видеороликлар сурдотаржимо ёки субтитрлар орқали намойиш этилиши йўлга қўйилди. Бу эса уларга барча жараён ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини берди.

Бўндан ташқари, вазирлик мутасаддилари ногиронлиги бор шахслар касб-ҳўнар ўргандиган 4 коллежга бориб кўрди, камчилик ва муаммоларини ўрганди. Мазкур муассасаларда ногиронлиги мавжуд шахслар тўлақонли таълим олиши учун лифтлар мавжуд эмас эди. Таълим муассасаларига лифт ўрнатилди, ногиронлик аравачалари берилди.

Ногиронлиги бор шахсларга таълим бериш, соҳага йўналтириш масаланинг бир томони бўлса, уларнинг бандлигини таъминлаш иккинчи ва мўҳим томонидир. Шу ўринда 2022 йилнинг ўзида ногиронлиги бўлган 14,6 минг шахсини иш билан бандлиги таъминланганини айтиш жоиз. Аммо бу кўрсаткич уларнинг касб билан тўлақонли қамраб олинмагани ва олий таълим битирувчилари орасида бандлигини таъминлаш бўйича камчиликлар йўқ эмаслигини кўрсатади. Бўнинг негизида иш ўринлари яратилмагани, ногиронлиги мавжуд шахслар учун махўс касб-ҳўнар мактаблари ташкил этилмагани каби сабаблар ётади. Албатта,

имконияти чекланган ёшларнинг барчаси ҳам олий маълумотли бўла олмайди. Лекин ўзи қизикқан касбни эгаллаши ва шу орқали муайян даромад топиши мўкин.

Шўндан келиб чиқиб, инклюзив таълим тизимида ёшларни касб-ҳўнарга йўналтириш бўйича Ижтимоий хўмо миллий агентлиги негизида имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳўнар мактаблари ташкил этилиши бу борадаги улкан қадамлардан бири бўлди.

Қарор лойиҳасида қандай ечимлар берилмоқда?

Сурдотаржимонлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ҳамда эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларга эътиборни кўчаитириш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унга мувофиқ, эшитиш ва гапиришда нуқсони бўлган ёшларга хорижий тилларни ўқитиш, педагоглар учун малака ошириш ва аттестация тизими йўлга қўйилади. Мактабларда 6-синфдан бошлаб эшитиш ва гапиришда нуқсони бор ўқувчилар учун хорижий (инглиз тили, немис тили ва бошқа) тилларни ҳамда халқаро имо-ишора тилини ўрганишни йўлга қўйиш тақлиф этилмоқда.

Юқорида келтирганимиздек, тўртта ҳудуддаги ОТМда махўс йўналиш мавжудлиги кадрлар муаммосини тўлиқ ҳал этмайди. Шўндан келиб чиқиб, ҳудудлардаги биттадан олий таълим муассасасида сурдотаржимонлар тайёрлаш ўқув курсларини ҳамда барча олий таълим муассасаларида имо-ишора тилини ўрганиш бўйича тўғараклар ташкил қилиш, имо-ишора тилини кенгрок ўргатиш мақсадида мактабларда эшитиш ва гапиришда нуқсони борларга дарс ўтадиган педагогларга тоифа бериш амалиётини жорий қилиш ҳам мазкур қарор лойиҳасидан ўрин олди.

Эътиборлиси, сурдоолимпия мусобақаларида қўлиб деб топилаган ўзбекистонлик спортчилари олимпия ва паралимпия мусобақалари голибларига берилаётган имтиёзлар ва эътиборнинг бир хиллигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Карлар жамияти тасарруфидоги маданият маркази ходимларининг ойлик иш ҳақини мактаб ўқитувчилари ойлик маошига тенглаштириш тақлифидир. Қарор доирасида фуқаролар томонидан ёланадиган сурдотаржимон учун 40 соатдан 80 соатгача пул ажратиш механизми ишлаб чиқилса, педагог ходимлар фаолияти самарадорлиги ошар эди.



Шўнингдек, лойиҳадан сўнгий интеллект технологиялари ёрдамида ўзбек имо-ишора тили асосида сўнгий таржимонлик хизматлари иловаларини яратиш, эшитиш ва гапиришда нуқсони борларни ишга қабул қилган қорхона ва ташкилотларда солиқ имтиёзлари ҳамда бошқа енгилликлар бериш механизмини жорий қилиш, махўс мактаб-интернатлар қошида эшитиш ва гапиришда нуқсони бор мактабгача ёшдаги болалар учун гуруҳлар ҳамда қўзи ожиз, кар-соқов болалар учун махўс синфлар очиш ҳамда эшитиш ва гапиришда нуқсони борларни махўс аппарат ва телефон билан таъминлаш каби масалалар ҳам ўрин олган.

Аҳолининг имконияти чекланган қатлами — хох у ёш бўлсин, хох қари — доимо эътибор ва ғамхўрликка мўҳтож. Айниқса, ҳаётга, яшашга иштиёқи бандан, аммо Яратганнинг иродаси билан баъзи имконияти чекланган ёшларга алоҳида парвариш лозим. Агар уларга вақтида таълим берилса, ҳўнар ўргатилса, нафақат жамиятнинг фаол аъзосига айланади, балки меҳнат қилиб, даромад топиб, мамлакат иқтисодиётига ҳам хисса қўша олади.

Ижтимоий давлатда инклюзив таълимга алоҳида эътибор бериш мақсадида барча олий таълим муассасалари, тизим ташкилотлари алоҳида график асосида Ўзбекистон Карлар жамияти, имконияти чекланганлар ўқийдиган 4 та касб-ҳўнар мактабига бириктирилди. Бу ташаббус ногиронлиги бор шахсларга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларни таълим ва илм-фанга жалб қилишда самара бермоқда.


Жараён

 yuz_official

 yuz.uz_news

 **ТУРИЗМ**

Ўзбек палови, тандир нонлари ва тилёар ковуни ҳақида гап кетганда, нафақат халқимиз, балки хориждаги кўплаб инсонларнинг-да кайфияти кўтарилиб, кўз ўнгида Ўзбекистон деб аталмиш серкўёш ва меҳмондўст диёр намоён бўлиши бежиз эмас. Чўнки бугун туризм соҳасининг барча йўналишлари каби гастрономик йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда.



Илҳом МАМАТҚУЛОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларга кўрсатилаётган алоҳида иззат-икром ва эҳтиром туфайли уларнинг миллий таомларимиз, аъна ва қадриятларимизга қизиқиши ошиб бораётгани қувонарлидир. Айниқса, сайёҳлар орасида ўз йўл хариталарини тузганларида нафақат гўзал ва бетакорр масканларимизни, балки миллий таомларимизни ҳам ҳисобга олиб режа қилганлари кўп.

“Мўъжизакор мамлакатингизда нафақат ҳар бир вилоят, балки ҳар бир туман ва қишлоқ ўз санъати, маданияти, миллий аъна ва қадриятларига эга экани мени ҳайратлантиради. Ўзбек таомларининг ўзгача таъми ва инсонга кўтаринки кайфият бахш ўтадиган ўзига хос жиҳатлари бор. Ўтлаши йўқ масканларни кезганим-



дек, анжуман асносида барқарор туризмни ривожлантириш ва унинг глобал муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасида ҳам қизгин баҳс-мунозара юритилди. Барқарор туризмни ривожлантиришда қўлланадиган замонавий воситалар бўйича билим ва тажриба алмашилди.

бахраманд бўлишини таъминлаш, туризмда барқарорлик тушўнчасини қўллаш ва барқарор туризм тамоилларини амалиётга татбиқ этиш мақсада мувофиқ. Барқарорлик таомиллари туризмни ривожлантиришнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий-маданий аспектларига суянади ҳамда барқарорликни узоқ муддатли ва кафолатли қилиш учун юқоридаги уч ўлчов ўртасида мувозанат ўрнатиш зарур ҳисобланади. Барқарор туризмни ривожлантириш қисқа фўрсат ичида амалга ошириладиган жараён эмас. Унга эришиш пўхта ўйланган стратегик қарорларни талаб қилади ва ривожланиш бевосита тўрт таркибий қисм (иқтисод, жамият, экология, маданият) негизида шаклланади.

Конференция давомида туризмнинг барқарор ривожланиши ва меҳмондўстликдаги барқарор тенденциялар, барқарор туризм, туризм индустриясининг замонавий тенденциялари, қишлоқ туризми, экотуризм, аграр ва гастрономик



да эса Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Икки дарё — икки чашминг, чашми гирён, ўзбегим”, деган мисралари ёдимга тушаверадиди”, дейди туркиялик сайёҳлардан бири Йилмаз Човушўлу. У институтимизда жорий йил август ойида ўтказилган “IV Millenials Tourism Festival” халқаро ёшлар фестивали иштирокчиси. Мазкур фестивалда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра ташкил этилди.

Фестивалга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Покистон ҳамда Туркиянинг туризм ва меҳмондўстлик соҳасига оид нуфузли олий таълим муассасалари тақлиф этилиб, 50 дан зиёд талабалар, профессор-ўқитувчилар қатнашди. Ёшлар фестивалининг юқори савидага ташкил этиш, мамлакатимизнинг ички туризм имкониятларини янада ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти ҳоким-



лиги ва Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳамкор ташкилотчи сифатида тақлиф этилди. Фестиваль доирасида “Туризмнинг истиқболлари — инновация ва барқарорликда” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад талабалар, ёш мутахассислар, илмий жамоатчилик ва профессионал экспертлар эътиборини барқарор туризмни ривожлантириш истиқболларида замонавий бизнеснинг вазифалари ва имкониятларига жалб этиш эди. Шўнинг-

Баҳс-мунозараларда барқарор ривожланиш тушўнчасини иқтисодиётнинг мўҳим таркибий қисми ҳисобланадиган туризм индустрияси учун ҳам қўллаш зарурати борасида қизгин сўз юритилди. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, туризмни барқарор ривожлантириш узоқ муддатли истиқболда манфаатдор жамоалар (туристлар, қабул қилувчи ва жўнатувчи destinationлар, маҳаллий аҳоли) қизиқишлари инобатга олинган, ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган ва туристик ресурслардан рационал фойдаланишни назарда тутган, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий ривожланиш мувозанатда бўлган туризмни ривожлантиришнинг бир қўриниши ҳисобланади.

Барқарор туризм атроф-муҳит ресурсларидан оптимал фойдаланишга, меъзон жамоалар ижтимоий-маданий хўсўсиятларини ҳурмат қилишга, узоқ муддатли иқтисодий жараёнларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ва уларнинг манфаатдор жамоалар учун фойдасини назарда тутадиган туризм туридир. Қирғизистонлик иштирокчи Чингиз Атамбаевнинг айтишича, туристларни жалб қилиш учун яратиладиган яна бир қўлайлик кўпроқ одамларга шароит яратиб беришидир. Инклюзив мўҳит туризмни ривожлантиришга ёрдам беради. Мўҳимлиги шўндаки, савҳат қилиш учун ҳам вақти, ҳам маблағи бўлган кекса кишилар қўпинча инклюзив, яъни ногиронлиги бор одамлар учун ҳам мўҳит бўлишини талаб қилади. Қўлайлик ва шароит бўлмаган тақдирда бўндай сайёҳлар сони қисқаради. Бинобарин, туризмни ривожлантириш учун мамлакатларда ногиронлиги бор кишиларга ҳам шароит яратилган бўлиши керак.

Бутун дўнёда барча учун манфаатли, сиёсий жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилган барқарор туризмни ривожлантириш мўҳимдир. Туристлик нўқта назардан олиб қаралганда, яқин келажақда туризм индустрияси юз тутуши мўкин бўлган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик муаммоларнинг олдини олиш, ҳозирги ва келажақ авлодинг туризмдан

туризмда инновация ҳамда технологиялар каби тематик йўналишлар маърузачилар томонидан кенг ёритилгани уларнинг келгусидаги ҳамкорлигига пойдевор яратган бўлса, ажаб эмас.

Туризм йўналишларидан бири бўлган мода туризми ҳам институтинг Мода ва дизайн мактаби томонидан кенг тарғиб қилиниб, оммалаштирилмоқда. Анжуман якунида институтнинг Мода ва дизайн мактаби раҳбари Эрсель Ўрге томонидан ташкиллаштирилган мода тадбирида қизикларчи сахна кўринишлари ва институт талабаларининг миллий услўбда ва миллий матолардан яратилган кийим тўппамлари меҳмонларга тақдим этилди.

Фестивалнинг иккинчи куни Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Паркент туманига савҳат уюштирилди.

Қатнашчилар Паркент туманидаги Физика-қўёш институти, Сўқоқ қишлоғининг ажойиб табиати, Заркент қишлоғининг ўзумчилик ҳўжаликлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Бўндан ташқари, Сўқоқ қишлоғида гастрономик туризмни тарғиб этиш доирасида меҳмонларга уй меҳмонхона маҳорат дарси ўтилди.

Меҳмонхона ҳўжалигини юритиш, туризмни ривожлантириш дастури доирасида мутахассислар томонидан ўзбек паловини тайёрлаш бўйича мақиллаштирилган барча ва тансиқ таом уларга тортик этилгани миллий таомларимиз дўруғидан бохабар бўлган фестивал иштирокчиларига ўзгача завқ бағишлади.

Халқаро анжуман сўнгида барча қатнашчилар сертификат ва эсдалик соғалар билан тақдирланди.

Шухрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Бу сўзлар яқинда, аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Янги Ўзбекистон” боғининг минбаридан тантанавор жаранглади. Улар оддийгина товушлар бирикмаси эмас, қалб садоси, кўнгил наъраси бўлиб, Ўзбекистон осмонига мамлакат Президенти тилидан жаранглаб, акс садо берди.

Барча учун айтолмасман, аммо менинг қалбимда бу сўзлар беҳад парзавор акс садо берди, вужудимни жимирлатиб юборди. Негаки бу сўзлар замирида бори ҳаётимизнинг кечаги ва бугунги кунлари армоню аламлари, орзу-умидлари мужассам бўлиб турибди. Буну тушунган тушунади, билган билади...

Балки бу сўзлар бирикмаси қатидаги маъно бугунги навқирон авлодимиз учун гўзал даъват бўлиб, қалбу онига киргандир. Балки бу авлод ҳар бир фарзандагидан оталар ўғит берганидек, юрт раҳбарининг ўз халқига айтган ўғити деб қабул қилаётгандир. Бу табиий, албатта. Чунки ёш ўғилу қизларимиз, набираларимиз **бир бўлмаслик, бирлашмаслик** аламу андуҳлари, ҳўрлигу хорликлари нима эканини билмайди, билвермайди. Китобу киноларда ўқиган, кўрган бўлса, мабодо, уни асосан маълумот, ахборот, куруқкина тарих дея ўз фикратида қайд этади, холос...

Етимлик нимадир
Бизлардан сўра,
Учинчи йилларинг
Саргардонлиги
Иситма аралаш
Кўрқинч туш каби
Хаёл кўзусидан
Учмайди сира.
Мен етим ўтганман,
Ох, у етимлик...
Вой, беғина жоним,
Десам арзиди.
Бошимни силашга
Бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда
Мен одам эдим-ку,
Инсон фарзанди.

XX аср ўнинчи йилларининг очлик, юпунлик, сарсону саргардонликларини танасида ҳис қилмаган биз, эллиқвою олтимшвойлар, яъни йигирманчи аср 50-60-йилларида туғилиб ўсган авлодга юқоридаги сатрлар буюк ғафур Ғулومнинг оху нолалари бўлиб садо берганди, холос. Аммо бу мисралар маъноси ниҳоятда аччиқ аламли хотиралар ўлароқ, ота-боболаримизнинг бетийиқ кўз ёшлари, гиряю оҳларига сабаб бўлгани аниқ.

Худди шу каби истиқлолнинг 32 йиллик тантанасида “**бир бўлиш**”, “**бирлашмиш**!”га оташин даъват менинг авлодим кўз унгида ҳам ўз ҳаёт йўли, тақдир билан боғлиқ не-не воқе тарихларни жонланттирган бўлса, ажаб эмас. Ҳарқалай, мен “**Бирлашсак — Ватанмиз!**” деган иборани шунчаки сўз бирикмаси деб қабул қилолмадим. Инчунин, олтимш бе йиллик умримнинг тангу тор пучмоқлари, ота-онамнинг биз, жузукларининг қорини тўқ, устини бут қиламан

деб гирён юришлари, сахармардондан то тун қоронғисигача не бир юмушлар ила андармон бўлиб, фарзандларининг орзу-ҳаваслари илинжида тиним билмагани хотиримга келди. Отамнинг вазимин ўй суриши, олис хаёлларга берилиши, онагинамнинг бизни ухлатиб қўйиб, “Зингер” “поп” тикув машинаси ғилдирагани дўқиллатиб, дорпеч, қийқча хошияларини босиб, анвойи гул, қанот ёган қабулар тасвирларини матога ил-ипак билан чизиб, кўз нурини нисор этганча то тонгга қадар тиним билмаслиги кўз қароғимни соғинч ва алам суви билан тўлдириди. Учани учига базур улаб, дастурхонни нону чойга фаровонроқ қилармиканман деб соғу носоғ уриниб ётиши устига, вақти-вақти билан қизил погонли нозирлар кириб “закон”ни пешлаб туриши, тама-ришват илинжини қондириб, яна ўша юпун рўзгорга маҳкум этиб кетиши хотира кўзусидан сира ўчмайдиган манзаралар... “Болам, хунарли хор бўлмайди”, дея ҳали суяги қотмаган мен, болачани маҳалладош қосибга шогирд бериб, “ўз қорингга ўзинг яра”, деб туришлар унутиладиган умр лавҳалари эмас. Шунда ҳам шукроналик туйғусини дилга ва тилга туғиб, бундан ёмонроқ бўлса нима қилардинг, деб насихат қилиб туришлар ҳам ҳаётимизнинг кейинги кечиларида беиз ўтгани йўқ. Ҳар тонг сахар кўз очиб, ёруғ дунёни кўриб турганимизнинг ўзиёқ шукроналик сурури эди, алҳамдулиллаҳ!

Камина бу ўтмишларга шикастадиллик билан бежиз мурожаат қилаётганим йўқ. Умр дарёсининг оқимларида **бир бўлмаган халқ, бирлашмаган юртнинг** пахта деб, тиллаю маъдан деб “**ўзбек**



иши”, “**пахта иши**” деган маломатлар остида не-не таҳқирларга дучор этилгани, эл учун бир иморат тиклайман деса ҳам “**катта оғ**”лардан изн сўраб, Масков эшиклариде сарсону саргардон юрган дамлари унутмоқ бу хотирага, миллат хотирасига хиёнат демакдир.

Ўз кечмишларини унга эш она юртнинг узоғу яқин ўтмишини кўз олдинда кино тасмаларидек жонлантисанг, озурда кўнглингнинг алам-армонларини танангда қайта ҳис этсанг, **бир бўлмаслик, бирлашмаслик** андуҳларининг захму захри йўқолмаган оғир хасталик бўлиб, яна не-не азобларга дучор этишини англаб етасан.

Хўп ўтмиш-ку, ортада қолди. Ўттиз икки йилдан бери мустақил юрт, мустақил давлат, ягона халқмиз. Тилимиз, динимиз, ҳудудий бирлигимиз барқарор. Хўш, **бир бўлиш, бирлашмишга** энди нима моне? Нега ҳануз **бир бўлиш, бирлашмиш** қайта-қайта ўқтирилиб турибди?! Демак, бу борада йиртиқ-ямғимиз, нуқсону камимиз бор ҳали. Айни шу ҳол сийсий, иқтисодий ва маънавий камолимизни не бир жойларида оқсоқлантириб, секинлатиб, балки тўхтатиб ҳам турибди. Таассуфки, бу ҳолат-вазиятни биз, ўзбекистонлик-

ларнинг аксарияти сезмай, англолмай юрибмиш, шекилли. Демак, шунга яраша ижтимоий юксак туйғулар нелигини билмай, ўз қобимиз, ўз манфаатларимиздан баланд бўлолмай турибмиш.

Ижтимоий туйғу Ватан ҳисси, халқ эканингни идрок этиб ҳаракатланиш, жамоа-жамият билан вобаста умргузaronлик қилиш демакдир. Фақат ўз томининг бут бўлишию ўз курсогининг тўлиб туришини кўзлаб яшаш охир-оқибат илм тилида эгоцентристларни, халқ тилида худпарастлар-эгоистларни, кўчанин кўлоп лаҳжасида яккамхохларни урчитади. Бот-бот улугларимиз ёдга

миллат, халқ, Ватан деган тушунчаларни идрок этади, муносиб турмуш тарзини белгилайди, ҳаётини жамият ҳаёти билан боғлайди, ижтимоий мазмун билан тўлдиради.

Шу маънода, Президентимизнинг “**Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи**



келади. Нима, Ҳазрат Навоий бобомиз ота-бобосию дўсти Хусайн Бойқаро инъом этган мулкни тасарруф этиб, баҳузур яшаса бўлмасмиди?! Жаҳид бобо-лар-чи?! Уларнинг ўзлари жуда маъмур бўлмасалар-да, ўртаҳол турмуш-рўзгорларини қийиб, топан маблагларини мактаб, матбуот, театр, хайрия каби миллат камолига хизмат этувчи ишларга сарфлашдан не наф топар эдилар?!
Кел, ай миллат, бу кун бир маслаҳат бирлар қарор ўлсун,
Бу кундан ўткан ишларга пушаймон бирлар ор ўлсун.

Қўлайлук бул куну ғайрат ҳамма бирдан қилиб хиймат,
Жаҳолат чул-сахросига, минбаъд сабзозор ўлсун.

Мана сизга Абдулла Қодирийнинг 21 ёшида — 1915 йилда ёзган сатрлари. Отаси берган боғда узумзорини парваришлаб, дала-туздан топан даромадини катта рўзгорда ғамлаб, бемалол еб ётавериши ҳам мумкин эди-ку!

Йўқ, инсонда ҳайвоний инстинкт, эҳтиёждан ташқари, жамият ичида яшаркан, **ижтимоий туйғу, ижтимоий фикр** ҳам бўлади. Бусиз у муайян жамият аъзоси эмас. Ватан, ота юрт, она тил вакили эмас. Қайда қорни тўқланса, шу ерни маскан туттувчи махлуқот, холос. Ижтимоий туйғуси бор одамгина

керак”, деган сўзлари ватандошларимизнинг барчасида **ижтимоий туйғу** ва **фикр** умр мезонига айланишини исташ даъватидир. Бу даъватга қалбан қулоқ тутган одам ўз хатти-ҳаракатини шу мезон негизига қуриши зарур, албатта. Шундагина инсон ҳар бир қадамини ўйлаб, фикран таҳлил этиб, мулоҳаза билан кўяди.

Ҳозир ахборот, рақамлашган технологиялар даври. Саводи бор одам электрон ахборот воситаларининг “қул”и. Бу табиий жараёни ҳеч бир куч тўхтата олмайди. Фақат ҳар бир инсоннинг маънавий даражаси ўша электрон воситалардан оқиб келаётган ахборотни ва ўзи ҳам иштирокчисига айланган медиамакон жараёнларини оқилона ёки аксинча, палапартиш, нодонларча ўзлаштириши ва иштирокчи айланишини белгилайди. Ижтимоий тармоқлардан бори элга ошкор бўлаётган маълумотлар том маънода халқимизни **бир бўлишга, бирлаштиришга** хизмат қилса, биз **ягона халққа, чин ватанпарварга** айлана оламиз. Худпараст истак ва кайфият билан тарқатилган ҳар бир ахборот, маълумот фақат ва фақат бузғунчиликка, бошбошдоқликка, парокандаликка хизмат қилади. Кичик бир хабар катта талатўппарга, миллий парокандаликка, қонли уруш, хунрезлик, даҳшатли муҳорабаларга баҳона бўлиши инсоният

тарихидан яхши маълум. Катта майдонларни қўйиб, кичик дарчадеккина туйнукчалардан худбин хоҳишлар, майда гина, аламзадалик, ҳасадгўйлик билан буй кўрсатиб қолаётган ноҳуш, бетайин, беасос маълумотлар, даъвою иддаолар чивин кўнгандек бўлса-да, катта ижтимоий ниятларни кўзлаб иш тутаетган инсонларга ноқоиш дилхиралик, асаббўзарлик, пировардида ҳатто оғрикли хасталиклар олиб келиши ортиқча исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Бу ҳол энг юқори курсилардаги давлат хизматчиларидан то кўйида ўз қори аъмоли билан машғул кишиларгача дахлдор. Хўш, шундай худпараст даъво ва чиқишлар **бир бўлишга, бирлашишга ёки ягона халқ, Ватан** бўлишга хизмат қиладими?! Эҳтиросларни жунбишга келтириб, жамоалар орасига қутку солиш, фитна уйғотиш охир-оқибат қандай яқунга олиб келиши маълум-чу!

Каминани таниган, билганлар сезиб тургандир. Шу кунларда маломату тухмат тошлари кино даргоҳларига ҳам отилиб турибди. Бирор асоси, исботи бўлмаган иддаолар, ҳаттоки номини ҳам ошкор қилишдан қўрққан қўёнорак қасга эътибор қилмай, қўл силкиб қўя қолиш ҳам мумкин эди. Киши бўй-бастидан тубан хору ҳасга оёқ қўйиб, ўзи-да қирла-қирла қолиши ҳеч гап эмас. Ўша Абдулла Қодирий бобомиз “Миллатга бир қарор” шеърда ёзганидек, “**Жаҳолат сассиги бизни ҳаммаша беҳузур этди**”, дея ўғирлиб кетавериш ҳам оқиллик белгиси. Аммо бошқа бир улуг шоиримиз Абдулла Ориповнинг мана бу даъвати кишини бепарволикдан қайтаради:

Хушёр боқ, то фоний умр кечади,
Теғранеда турли хил тошлар учади.
Бир қора ҳасад ё гараз тоши,
Бир ёвуз тўхмат ё мараз тоши.
Майлига қай бити келмасин, қачон,
Улардан муддао ҳаммаша аён.
Улар сарб қосанг тўлдирмоқ бўлар,
Улар умрини гул сўндирмоқ бўлар.
Бошимдан ўтганин этсам гар аён.
Хушёр боқ уларга ҳаммаша, ўғлон.

...

Маломат тоши бу, маломат тоши!
Ҳа, миллат овози бўлган буюк шоирнинг ўғитини ҳаммаша ёдда тутмоқ зарур. Ило, бу ўғит ҳам инсоннинг маънавий даражаси бўлиши мумкин. Ўшанинг асосида, илтибо, йўлдаги майда чакиртиқанакларга лоқайд бўлмаслиқдан огоҳ этади. Аслида, бугун бизнинг **ягона халқ, Ватан бўлишдек** улугвор ҳаракат ва режаларимизга соя солаётган, аниқроғи, миллатга рахна солишга уринаётган узоғу ақдаги иллатлар майда, туси ёлгон, тутуриқсиз, беҳуда иқир-чикир амаллар. Булардан баланд бўлиш, уларга раво йўлларимиздаги хору ҳас деб қараши-миз жоиз, албатта. Аммо асло бепарво, беписанд бўлиш керак эмас.

Яна ўша Истиқлолимиз байрамида ирод этилган нутқ хотирга келади:

“Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Шояди, “**Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!**”

БАХШИЧИЛИК

КИТОБЛАРДА БОҚИЙ ҚОЛАР АЖДОДЛАР ЁДИ

Умид НОРБОЕВ,
Республика бахшичилиги санъати маркази бош директори

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асрлар оша маънавий жиҳатдан такомиллашиб, улкан ютуқларга эришяётган ва авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётган маънавий маданиятимизнинг бебаҳо мероси сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини қалб-авайлаш, ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, ёш авлод ақлида ушбу санъат турига ҳурмат-эътибор туйғуларини кучайтириш алоҳида вазифа қилиб қўйилган.

Президентимизнинг “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бахшичилик санъатини юзага чиқариш, уларни эъзозлашга хизмат қилляпти. Хусусан, 2022 йил 28 январдаги “Ўзбек халқи маданияти ва санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган атоқли ижодкор зиёлилар юбилейларини

муносиб нишонлаш, ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги фармоннинг ижроси доирасида ўтган йили Фозил Йўлдош ўғлининг 150 йиллик, Қодир бахши Раҳимовнинг 85 йиллик юбилейлари юртимизда кенг нишонланди. Жорий йилда эса Сурхондарё вилояти ҳамда Музаббат тумани ҳокимликлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ бахшиси



Чори бахши Умиров таваллудининг 85 йиллик тадбири ҳамда Умировлар сулоласи уй-музейининг очилиш маросими ўтказилди.

Бундай инсонлар ҳақида бугуннинг бахшилари, уларнинг издошлари яхши билиши керак, албатта. Шу маънода, Қодир бахши Раҳимовнинг илмий мероси-

ни ўрганиш, кейинги авлодга етказиш борасида бахшичилик маркази томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қодир бахши Раҳимов ижодиға мансуб достон ва термалардан иборат бўлган “Сайланма-1” ва “Сайланма-2” китоблари нашрдан чиқарилди. Бахшининг ижод намуналарини ёшларга етказиш мақсадида яна бир қанча достон ва термалари чоп этишга тайёр ҳолатга келтирилган. Шуну айтишни истардимки, “Қадрият фильм” билан ҳамкорликда Қодир бахши Раҳимов ҳақида видеофильм суратга олинди. Ёш бахшилар учун бу фильм тажриба, маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилса, ажабмас.

Бундан ташқари, марказимиз томонидан “Бахшиёна” номли энциклопедия яратиш учун бахши, оқин ва жировлар ҳаёти ва ижоди, уларнинг

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИҒ.

